

ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР

Салимов Бахриддин Лутфуллаевич

Тошкент Давлат Транспорт Университети профессори в. б

Бозорбоев Одилбек Дониёр ўғли

Тошкент Давлат Транспорт Университети талабаси

Раджапбаев Хусниддин Равшанбек

Тошкент Давлат Транспорт Университети талабаси

Аннотация. Мақолада ижтимоий муносабатлар жуда кенг тушунча бўлиб, ижтимоий воқеликдаги барча нарса-ходисалар унинг таркибига киради. Шулардан бири динлараро ва миллатлараро муносабатлар доирасидир. Зотан бу муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши жамиятдаги барқарорликнинг гарови эканлиги ўрганилиб, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино ва Абулқосим Фирдавсий каби мутафаккирларнинг мавзуга оид қарашлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: фозил шаҳар, фазилатлар, илм, бахт, яхшилик ва ёмонлик.

Аннотация. В статье социальные отношения представляют собой очень широкое понятие, включающее в себя все явления социальной действительности. Одним из них является сфера межрелигиозных и межэтнических отношений. Уже изучено, что правильное установление этих отношений является залогом стабильности в обществе, и проанализированы взгляды на этот счет таких мыслителей, как Абу Наср Фараби, Абу Али ибн Сина и Абулькасим Фирдоуси.

Ключевые слова: добродетельный город, добродетели, знания, счастье, добро и зло.

Кириш. Ижтимоий муносабатлар жуда кенг тушунча бўлиб, ижтимоий воқеликдаги барча нарса-ходисалар унинг таркибига киради. Шулардан бири динлараро ва миллатлараро муносабатлар доирасидир. Зотан бу муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши жамиятдаги барқарорликнинг гаровидир. Ана шуларни инобатга олган ҳолда мустақил Ўзбекистонимизда диний бағрикенглик, миллатлараро муносабатлар масаласи доимо эътибор марказида бўлиб келган. Зеро, диний бағрикенглик ва миллатлараро муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаб беради. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасидаги диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ғояси – мамлакат тараққиётининг муҳим омили сифатида хизмат қилмоқда. Айни кунларда мамлакатимизда 16 та диний конфессияларга эътиқод қилувчилар ҳамда 130 дан ортиқ миллат вакиллари тинч-осойишта ҳаёт кечирашаётир. «Улар умумий ўйимиз – Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча

соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилмоқда, ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришга муносиб ҳисса қўшмоқда»¹.

Муҳокама ва натижалар. Таъкидлаш керакки, динлараро ва миллатлараро муносабатлар масалалари Абу Наср Форобий асарларида ҳам таҳлил этилган. Буюк аллома жамиятда турфа дин ва миллат вакиллари мавжуд бўлишини эътироф этиб, улар биргаликда мамлакат тараққиёти учун хизмат қилишлари мумкинлигини айтади: «...Фазилатли шаҳарнинг турли халқлари ягона (ҳақ-таоло) га ишониб ягона саодат ва ягона мақсадга интисаларда, уларнинг динлари турлича бўлиши мумкин»². Юқоридаги мулоҳаза Абу Наср Форобийнинг бундан минг йиллар олдин ўз даврига нисбатан илғор ғояни илгари сурганлигини намоён этмоқда³. Абу Наср Форобий шу каби яна кўплаб, ижтимоий муносабатлар доирасига оид ўз даврида ҳам долзарб бўлган ҳамда бугунги замонда ҳам аҳамиятини йўқотмаган фикр ва мулоҳазаларни баён этиб қолдирган⁴.

Ижтимоий муносабатларнинг келиб чиқиши ва шаклланиши бевосита инсонлар жамоаси тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу боғлиқлик шу билан ифодаланадики, жамоа пайдо бўлмагунча, ижтимоий муносабатлар ҳам бўлмаган. Аввало, жамоа вужудга келган, сўнгра ижтимоий муносабатлар шаклланган. Инсоният тарихидаги энг катта юксалишлардан бири бу жамоа бўлиб яшашни ўрганилганидир. Ўзи аслини олганда «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади...Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради»⁵. Ушбу хулосага қўшимча сифатида айтишимиз мумкинки, жамоа бўлиб яшаш муҳим ижтимоий кашфиёт сифатида одамларнинг моддий-маиший ва маънавий турмуш тарзини анча юқори даражага кўтарди. Жамоа пайдо бўлиши билан унда яшашни тартибга солиб турадиган ахлоқий, маънавий ва ҳуқуқий тартиб-қоидалар ҳам вужудга кела бошлади. Бу тартиб-қоидалар инсоният ҳаётини тубдан ўзгартирди. Илмий изланишларимизда айтиб ўтганимиздек, барча кишилиқ жамиятининг якуний мақсади бахтга эришишдир. Демак, »Инсонлик моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. – Тошкент: Халқ сўзи. 2017, 25 январь.

²Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий, 1993. – Б. 168.

³Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.

⁴ Салимов Бахриддин Лутфуллаевич, Ҳасанов Миршод Нўъмонович. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 2, Issue 4, 2022. -P.1345-1354.

⁵Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий, 1993. – Б. 186.

истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт-саодатга эришади»⁶.

Барчамизга маълумки, сўнги йилларда жамиятимизнинг орзу-умидларини ўзида мужассамлаштириши керак бўлган «миллий ғоя» атрофида кўп гап-сўзлар бўлди ва бўлаётир. Бизнинг назаримизда, бу ўринда миллий деган иборни қўлламаслигимиз мақсадга мувофиқдир. Унинг ўрнига жамиятимиз ғояси ёки халқимиз ғояси деб номлаш маъқул. Миллий ибораси масала доирасини тор қилиб қўйиши мумкин. Кейин, халқ ғоясини шакллантирар эканмиз, баландпарвоз, мужмал ва тушунарсиз шиорлардан воз кечишимиз зарур. Аксинча, одамларнинг реал орзу-умидларини ифодалайдиган ғояларни излаб топишимиз ва уларни илгари суришимиз шарт. Бу ғоялар кишиларнинг қалбидаги эзгу мақсадларни ўзида мужассамлаштириб, уларни руёбга чиқиши барчани бирдек қаноатлантириши зарурдир. Шу боис, ушбу ғояларни амалга ошириш жараёнида ҳамма инсонлар бир тану-бир жон бўлиб ҳаракат қиладилар. Ҳеч ким шунчаки оддий томошабин сифатида қараб турмайди. Ҳамма ўз фаолиятини ижтимоий муносабатларнинг муҳим элементи сифатида мувофиқлаштириб боради⁷. Ҳамма бахтли яшашни хоҳлайди. Ҳар ким оиласи, яқинлари даврасида тинч-осойишта, эмин-эркинликда ва тўкин-сочинликда, Аллоҳ ато этган ҳаёт неъматларидан тўлиқ баҳраманд бўлган ҳолда умргузаронлик қилишни истайди. Форобийнинг таъкидлашича, инсоннинг «Бахтга эришишининг зарурий шarti бу илм-фанни ўрганиш ва назарий билимларни ўзлаштиришдир»⁸.

Дарҳақиқат, илмнинг кишилик жамиятининг, айниқса, унинг узвий қисми бўлган ижтимоий муносабатларнинг шаклланишида ва ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Агарда илм, билим ва маърифат каби хусусиятлари бўлмаганда инсониятнинг цивилизациялари ҳам бўлмасди. Абу Али ибн Сино ҳам мазкур мавзуга оид диққатга сазовор фикрларни ёзиб қолдирган. Абу Али ибн Сино ўз фикрларида бу масалага ўзига хос тарзда, файласуфона ёндошади. Бу билан у ўзини нафақат машҳур табиб бўлганлигини, балки буюк файласуф эканлигини намоён этади. Алломанинг фикрича, илм ўз-ўзидан бирданга пайдо бўлмайди⁹. Илмнинг вужудга келиши учун бир неча босқичлардан ўтиши керак. Абу Али ибн Сино илмга эришишнинг куйидаги босқичлари мавжудлигини кўрсатиб ўтган: «1) сезги ёрдами билан эришиш; 2) тасаввур билан эришиш — бу фикри Аристотельнинг фикрига туғри келади; 3) ақл билан баҳолаш қобилияти —

⁶ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий, 1993. – Б. 188.

⁷ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг ғносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

⁸ Э. Иззетова. Философские проблемы науки (наука и гуманизм: философско-методологический аспект). – Ташкент: Издательство Национального общества философов Узбекистана, 2007. – С. 19.

⁹ Салимов Бахриддин Лутфуллаевич, Ҳасанов Миршод Нўъмонович. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 2, Issue 4, 2022. -P.1345-1354.

бу фикр Ибн Синонинг ўзига тегишлидир; 4) универсалия деб аталучи умумий тушунчаларнинг ҳосил қилиниши»¹⁰. Алломанинг бу қарашидан илмнинг ўзи ҳамда унга эришиш кўп босқичли, мураккаб жараён эканлиги аён бўлмоқда.

Маълумки, ижтимоий муносабатларнинг барча жабхалари тўхтовсиз ўзгаришда ва ҳаракатдадир. Ушбу ўзгаришлар ва ҳаракатларнинг асосий манбааси ва сабабчиси эса инсонлардир. Ижтимоий муносабатларнинг субъекти бўлган инсонларнинг онгли фаолиятлари – жамиятдаги шарт-шароитларни ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳволининг даражасини белгилаб беради.

Бироқ, бу жараёнлар ўз-ўзидан содир бўлиб қолмайди. Чунки «Янгиланаётган ва ўзгараётган ҳамма нарса-ҳодисаларнинг қандайдир сабаби бўлиши керак»¹¹. Шундай, ҳеч бир ўзгариш бесабаб, ўз-ўзича содир бўлмайди. Якка олинган инсон ҳаётидаги ҳодисалар ҳам ёки жамиятда кечаётган жараёнлар муайян сабаблар таъсирида юз беради. Ибн Сино айтганидек, «Инсон қалби икки кўринишга эга: бири юқорига, ўзининг асл ўрнига қараб интилса, бошқаси унга тескари томон интилади». Ушбу хулосанинг мазмуни шундаки, инсон қалбида икки куч мужассамлашаган: бири, яратувчилик, бунёдкорлик, улуғворлик, комиллик каби юксак ахлоқий фазилатларга йўналтирса, бошқаси бузғунчилик, вайронкорлик, тубанлик, разиллик каби ноахлоқий иллатларга етаклайди¹².

Гарчанд, инсонга илм, билим берилган бўлсада, у ҳамма вақт ҳам ақл-тафаккур билан иш кўравермайди, у гоҳида қалби, кўнгли буюрган ишларни ҳам қилаверади. Шунда, инсон қалбида ёвузлик устувор бўлса, унинг хатти-ҳаракати ёмонлик сари етаклайди. Ва натижада, биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ижтимоий муносабатларни издан чиқарувчи, жамият барқарорлигига раҳна солувчи нохуш ҳолатларни вужудга келтирувчи сабабларга айланади. Минг афсусларки, ҳозирги кунда жамиятимиз тараққиётига ғов бўлиб, унинг юксалишига тўсиқ бўлаётган салбий ҳолатлар кўпаймоқда. Оилавий ажримларнинг сони ошаётганлигидан ташқари одамлар орасида меҳр-оқибатни йўқолиб бораётганлиги, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган жиноятларни содир этилаётганлиги, баъзиларнинг ўзлигини йўқотиб, бегона маданиятлар таъсирига берилаётганлиги, фаҳш, зўравонлик, шавқатсизлик ва бошқа кўнгилсиз ҳодисаларнинг авж олаётганлиги шулар жумласидандир. Бироқ, бу каби ёмонликларга қарши курашни ҳамда яхшиликларни қарор топтиришни якка ҳолда руёбга чиқариб бўлмайди. Бунинг учун жамият доирасида кенг миқёсдаги тадбирларни амалга ошириш зарурдир.

¹⁰ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. – Тошкент: Фанлар Академияси, 1954. XL.

¹¹ Ибн Сина (Авиценна). - Москва: Наука, 1980. - С. 171.

¹² Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

Аввал ҳам, ҳозир ҳам, инсонлар ҳаётида яхшилик ва ёмонлик муҳим роль ўйнаб келган. Нафақат, яқка олинган инсон турмуш тарзида, балки, ижтимоий муносабатлар фаолиятида ҳам яхшилик ва ёмонлик доимо мавжуд бўлиб келган. Диалектик моҳиятига кўра яхшилик ва ёмонлик тушунчалари мазмунан қарама-қарши бўлсада, шу билан бирга бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш азал-азалдан, минглаб йиллардан буён давом этиб келмоқда. Бу курашда мутлоқ ғолиб ҳам йўқ. Ғалаба қисман бўлиши мумкин. Лекин, ана шу ёмонлик устидан яхшиликнинг қисман ғалабасига ҳам осонлик билан эришилмайди. Ёмонлик билан курашда яхшилик устун келиши учун «Яхшилик одамлар учун, умуммиқёсда қилинган, ҳаммага мақбул бўлган низомга ва одат тусига кирган ҳамда ўзаро муносабатларида амал қилиши шарт бўлган қоидага айланиши керак»¹³. Шундагина биз яхшиликни умумжамиат миқёсида устувор бўлишини таъминлай олишимиз мумкин.

Биз юқорида фикр юритган яхшилик, эзгулик сингари тамойиллардан ижтимоий муносабатларни ташкил этишда фойдаланиш доимо мақсадга мувофиқ бўлиб келган. Чунки бу каби қадриятлар инсонларнинг маънавий дунёсини шакллантирувчи ва уларни комиллик сари йўналтирувчи муҳим омиллардир¹⁴. Ўз навбатида, шу омилларга асосланиб қурилган ижтимоий муносабатлар ҳам бардавом бўлади. Айниқса, ижтимоий муносабатларнинг амал қилинишида муҳим таъсирга эга бўлган қонунларни яратилишида бу жиҳатни эътиборга олиниши ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир. Абу Али ибн Сино таъбири билан айтганда «...Ҳукмрон қонунлар мажмуасини тузаётганида, халқларнинг маънавий хусусиятларини ва ҳаққоният сари рағбатлантирувчи қадимий анъаналарини ҳисобга олиши керак. Чунки ҳаққоният – инсонга хос одатларнинг энг гузалидир»¹⁵. Демак, ижтимоий муносабатларнинг амал қилинишида муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунлар халқнинг асрий қадриятлари ҳамда орзу-умидлари ва истаклари асосида яратилиши керак. Шунингдек, қонунларда адолат, ҳақиқат, яъни ҳаққоният ғоялари билан суғорилиши шарт. Ушбу жиҳат қонунларнинг халқчил бўлишини асосий омили бўлиб хизмат қилади. Негаки, адолат ва ҳақиқат ғоялари азал-азалдан оддий халқ учун ҳаёт-мамонт масаласи бўлиб келган. Адолат ва ҳақиқат кўмагида яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги азалий курашда яхшиликни тантана қилиниши мадҳ этилган¹⁶.

Аксарият алломалар қарашларида ва фалсафий таълимотларда жамиятда яхшилик ва ёмонлик ўртасида кечадиган курашда ёмонликка қарши яхшилик билан жавоб қайтариш уқтирилган. Бироқ, бу қоида ҳамма вақт ҳам қутилган

¹³ Ибн Сина (Авиценна). - Москва: Наука, 1980. - С. 172.

¹⁴ Salimov B.L. Expression of Dialectic Categories in the Individual's Social Life // openaccessjournals. eu. International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology. Volume: 1, Issue 4, 2021. -P.16-18.

¹⁵ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. – Тошкент: Фанлар Академияси, 1954. XXXV.

¹⁶ Салимов Б.Л. Философская роль диалектических категорий в жизни человека // Историческая психология и социология истории (historical psychology & sociology). – М., 2020. Т. 13. -№1. -С. 111-119.

ижобий натижани беравермаган. Бу жиҳат ўтган тарихий тажрибада бир неча маротаба ўз исботини топган. Шу боис, ёмонликка қарши ёмонлик билан курашиш тарафдорлари аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор. Хусусан, Шарк дунёсининг буюк ижодкори Абулқосим Фирдавсийнинг қуйидаги фикрлари бунга яққол мисол бўла олади:

Ёмонлик-ла кесай ёмонлар қўлин,
Руҳимга ёр этай яхшилик йўлин¹⁷.

Ушбу ўринда баъзилар эътироз билдириши мумкинки, ёмонларларга, уларнинг ёмонликларига қарши ёмонлик билан курашсак, унда ёмонлардан қандай фарқимиз қолади. Бизлар ҳам ёмонлик қилсак, ёмонлар билан бир хил бўлиб қоламизку, - деган маънода. Тўғри, эзгулик ва яхши амаллар юксак инсоний фазилатлар ҳисобланади. Шундай экан, уларга бўлган муносабатнинг ҳам турлича бўлиши табиий ҳолдир. Ижтимоий муносабатларнинг шаклланишида ва такомиллашувида юқоридаги омилларнинг таъсири катта.

Хулоса. Инсонлар ижтимоий муносабатларнинг субъектлари ҳисобланади. Инсонлар эса хилма-хил бўлади. Шу сабабдан, уларга бўлган муносабатда биз юқорида санаб ўтган хусусиятларини инобатга олиш зарур. Шунда ижтимоий муносабатлар доирасида келиб чиқиши мумкин бўлган тушунмовчиликларга барҳам берилиб, жамиятнинг ҳар бир аъзосини ҳокимият кўрсатмаларини тўғри қабул қилиш ва унга тўлиқ амал қилиш даражаси анча юқори бўлиши таъминланади. Ҳозирги замонда юксак тараққиётга эришган давлатлар ва шу мақсад йўлида интилаётган, ривожланаётган мамлакатлар ушбу муҳим тамойилни ўзлари учун дастур-ул-амал қилиб олишган. Бундай ёндашув бугун ёки кеча пайдо бўлиб қолган эмас. Ҳаттоки, бундан бир неча асрлар муқаддам яшаб ўтган ҳукмдорлар ҳам шу тарзда мамлакатни идора этганлар.

References

1. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. – Тошкент: Фанлар Академияси, 1954. XL.
2. Ибн Сина (Авиценна). - Москва: Наука, 1980. - С. 171.
3. Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б. 27.
4. Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.
5. Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.

¹⁷ Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б. 27.

6. Салимов Б.Л. Философская роль диалектических категорий в жизни человека // Историческая психология и социология истории (historical psychology & sociology). – М., 2020. Т. 13. -№1. -С. 111-119.
7. Салимов Бахриддин Лутфуллаевич ,Ҳасанов Миршод Нўъмонович. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 2, Issue 4, 2022. -P.1345-1354.